



## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАХЛИЛИ

PhD, доц. **Жамолов Жўрабек**  
Фан ва технологиялар университети  
ORCID: 0009-0005-0122-318X  
[jamolovjorabek39@gmail.com](mailto:jamolovjorabek39@gmail.com)

**Аннотация.** Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг инвестицион жозибадорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар фаолиятига тўхталиб ўтилган. Иқтисодий ўсиш: юқори иқтисодий ўсиш инвесторларни жалб қилади, сабаби у бозорнинг ўсиши ҳамда товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг ошишини англатади. Мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги: инвесторлар учун хавфларни камайтиришга қаратилган мамлакат ёки минтақадаги барқарор сиёсий вазият ташкил этиш, уларнинг узоқ муддатли истиқболга ишончини оширади. Хорижий инвесторлар учун бериладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялар: хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришда давлат инвестицияларини қўллаб-қувватлаш дастурлари, жумладан, солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва кафолатлар ишлатиши муҳимдир. Шунингдек, замонавий шароитларда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг инвестицион жозибадорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар фаолияти ўрганилган.

**Калит сўзлар:** “очиқ эшиклар” сиёсати, хорижий инвестиция, иқтисодий сиёсат, стратегия, экспорт имконияти, инвестиция фаолияти инвестицион муҳит, инвестицион сиғим, инвестицион лойиҳалар, инвестицион жозибадорлик, инвестицион сиёсат.

## АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ И ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ПРИВЛЕЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

PhD, доц. **Жамалов Джўрабек**  
Университет науки и технологий

**Аннотация.** В статье рассматривается инвестиционная привлекательность привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана и факторы, на нее влияющие. Экономический рост: высокие темпы экономического роста привлекают инвесторов, так как означают рост рынка и повышение спроса на товары и услуги. Политическая стабильность страны: создание стабильной политической ситуации в стране или регионе, направленной на снижение рисков для инвесторов, повышает их уверенность в долгосрочных перспективах. Налоговые льготы и преференции для иностранных инвесторов: при стимулировании привлечения иностранных инвестиций важное значение имеет использование государственных программ поддержки инвестиций, включающих налоговые льготы, субсидии и гарантии. В статье также изучается инвестиционная привлекательность привлечения иностранных инвестиций в экономику в современных условиях и факторы, на нее влияющие.

**Ключевые слова:** политика «открытых дверей», иностранные инвестиции, экономическая политика, стратегия, экспортные возможности, инвестиционная активность, инвестиционная среда, инвестиционная емкость, инвестиционные проекты, инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика.

## ANALYSIS OF INVESTMENT ATTRACTIVENESS AND FACTORS INFLUENCING THE ATTRACTION OF FOREIGN INVESTMENT IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

PhD, assoc. prof. **Jamolov Jurabek**  
University of Science and Technology

**Abstract.** The article examines the investment attractiveness of attracting foreign investment in the economy of Uzbekistan and the factors influencing it. Economic growth: high rates of economic growth attract investors, as they mean market growth and increased demand for goods and services. Political stability of the country: creating a stable political situation in the country or region aimed at reducing risks for investors increases their confidence in the long-term prospects. Tax incentives and preferences for foreign investors: when stimulating the attraction of foreign investment, it is important to use state investment support programs, including tax incentives, subsidies and guarantees. The article also examines the investment attractiveness of attracting foreign investment in the economy in modern conditions and the factors influencing it.

**Keywords:** open door policy, foreign investment, economic policy, strategy, export opportunities, investment activity, investment environment, investment capacity, investment projects, investment attractiveness, investment policy.

### Кириш.

Дарҳақиқат бугунги кунда хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштириш инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан биридир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишга эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция - бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги десак, муболаға бўлмайди” (Мурожаатнома, 2019).

Хорижий инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакат ёки минтақанинг инвестицион жозибadorлиги турли омиллар билан белгиланиши мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсиш: юқори иқтисодий ўсиш инвесторларни жалб қилади, сабаби у бозорнинг ўсиши ҳамда товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг ошишини англатади;

- мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги: инвесторлар учун хавфларни камайтиришга қаратилган мамлакат ёки минтақадаги барқарор сиёсий вазият ташкил этиш, уларнинг узоқ муддатли истиқболга ишончини оширади;

- хорижий инвесторлар учун бериладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялар: хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришда давлат инвестицияларини қўллаб-қувватлаш дастурлари, жумладан, солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва кафолатлар ишлатиши муҳимдир;

- малакали ишчи кучининг мавжудлиги: янги технологиялар ва иш услубларига тез мослаша оладиган юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги хорижий инвесторлар учун жозибador омил ҳисобланади;

- қонунлар ва тартибга солиш: шаффоф ва башорат қилинадиган қонунчилик базаси, шунингдек, самарали тартибга солиш мамлакат ёки минтақанинг инвестиция

жозибаторлигига ҳисса қўшади лозим.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг инвестицион жозибаторлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Ғарб олимларидан Макконнелл (1993) фикрича, инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими жараёнидир.

Кэмбелл (1993) инвестицияларнинг туб моҳиятини ёритиб берган, инвестициялар – бу ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий захираларни кўпайтириш ҳаражатларидир деб берилган таъриф амалий назарий жиҳатдан ифодалаб беради.

Розенберг (2007) ўзининг «Инвестициялар» луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, инвестиция – кўпайтириш, даромад олиш ёки капитал ўстириш мақсадида пул сарфланишидир, деган фикрни юритади.

Ўзбекистонда мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар таҳлили кўрсатишича, миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимида таъсир қилувчи омиллар кенг доираси ўрганилган ҳолда, келгуси давр прогнозларини ишлаб чиқишда асосан иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, ЯИМ ва унинг ўсиши динамикаси, инвестиция фаоллиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, савдо баланси, табиий ресурс салоҳияти, истеъмол салоҳияти, меҳнат салоҳияти, инфратузилма салоҳияти кабилар киритилган ҳолда институционал жиҳатлар омил сифатида эътибордан четда қолдирилган.

Инвестицион жозибаторликда қўлланиладиган омиллар эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишни талаб этади. Ҳамроев (2008) бу бўйича қуйидаги фикрни билдириб ўтади: “Ҳудудий сиёсат - бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)ларни яратиш бўйича ҳамда тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чуқур ўрганиб, реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси, мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотини самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли” деб таъкидлаган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли равишда фақат институционал кўрсаткичларга таянган ҳолда инвестициялаш жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда унга таъсир кўрсатувчи омилларга бағишланган тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган. Жумладан, Абдурахимова Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш доирасидаги тадқиқот ишида натижавий кўрсаткич инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишга солиқ-бюджет, валюта, нархни шакллантириш, талаб ва таклиф, иш билан бандлик сиёсатлари таъсири таҳлил этилган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг инвестицион жозибаторлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар фаолияти бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан кенг фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Демак ЭИХларнинг мақсади мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатилаётган соҳадан тармоқдан самарали ишлайдиган инфратузилмага айлантиришдир. Мамлакатдаги ҳудудий сиёсат “ЭИХлар эркин ва самарали фаолият

юритиши учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қилади, бунинг учун эса:

- ишловчан, самарали норматив-ҳуқуқий базани яратиш;
- ҳудудлар ташкил этишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш;
- солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш;
- ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгилаш;
- ЭИХ чегаралари ва тартибини белгилаб бериш;
- бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизминини яратиш;
- ҳудудда кредит сиёсатининг тамойилларини белгилаш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим” (doingbusiness.org, n.d.).

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тажрибасидан кўриш мумкинки, улар инвестиция жалб этиш, саноат ва савдони ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва умуман минтақа иқтисодиётини юксалтиришнинг самарали инструментдир. Уларни ташкил этишда ўзига хослиги кўплаб омилларни қўллашни талаб этади: бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми, мамлакат ва ҳудуднинг географик муҳити, иқтисодий самарадорлиги, замонавий техника ва технологияларни жадал суръатда қўллаш имконияти, сиёсий ва геополитик омиллар, мамлакатлар ўртасидаги интеграция мавжудлиги ва ҳоказолар. ЭИХнинг амалга оширишнинг муваффақиятли фаолияти, биринчи навбатда, мамлакатда инновацион ва умуман интенсив технологияни қўллашга қаратилган ҳудудий сиёсатга боғлиқ. Жумладан, мамлакатимиз ҳар бир вилоятида (Қашқадарёда Нишон тумани, Фарғонада Олтиариқ тумани, Самарқандда Ургут тумани, Навоийда Кармана тумани, Хоразмда Ғурлан тумани, Сурхондарёда Олтинсой тумани, Сирдарёда Сирдарё тумани, Наманганда Чуст тумани, Жиззахда Дўстлик тумани, Тошкент вилоятида Охангарон тумани, Андижонда Мархамат тумани, Бухорода Ромитан тумани, Қорақалпоғистон Республикасида Нукус тумани) инновацион ҳудудлар ташкил этилган бўлиб ўз фаолиятини юритмоқда. Бу ҳудудий сиёсат бўйича пухта олиб бориладиган инновацион ғоя бўлиб, улар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳолда, хориждан катта миқдорда инвестициялар оқиб келишига имкон беради. Инновацион ҳудудларни яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. ЭИХ - бу бизнес юритиш учун алоҳида шароитлар яратилган ҳудудлардир. Уларда одатда солиқ имтиёзлари, соддалаштирилган рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиб-қоидалари, инфратузилма ва бозорларга кириш имконияти мавжуд. ЭИЗлар алоҳида давлатлар ҳудудида ҳам, бир қанча давлатлар чегарасида ҳам тузилиши мумкин.

Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” Бутунжаҳон иқтисодий форумининг “Глобал рақобатбардошлик индекси” Тинчлик учун жамғармасининг “Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси” каби рейтинг кўрсаткичларига мурожаат қилиш кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар (ТМК) учун тўғридан-тўғри инвестицияларни иқтисодиётга киритишда қулай ҳисобланади (1-жадвал). Уларда мамлакатларнинг инвестицион жозибadorлиги омиллари, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ташкилий-ҳуқуқий ва географик жиҳатларини акс эттиради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айнан мазкур рейтинглар инвесторлар учун мамлакатларнинг жозибadorли ва яратилган инвестицион муҳитга баҳо беришда бирламчи аҳамиятга эга. Жумладан, Жаҳон банки томонидан юритилаган “Doing Business” ҳисоботида 189 та мамлакатнинг бизнесни юритиш бўйича (жами 10 индикатори) муҳим омиллар таҳлили амалга

оширилади. Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинадиган “Глобал рақобатбардошлик индекси” (World Competitiveness Ranking) мамлакатлардаги ишбилармонлик муҳитига таҳлилчиларнинг фикр-мулоҳазалари, йирик корпорациялар раҳбарлари ва бошқарув мутахассислари сўровлари асосида баҳо берилади. Якуний рейтинг тескари нисбатга асосланади: учдан икки қисми статистик маълумотлар ва учдан бири эксперт баҳолари. Тадқиқотда қамраб олинган мамлакат ва миллий иқтисодиётнинг батафсил тавсифларини ўз ичига олади, рейтингдаги умумий позицияни ва рейтингни ҳисоблашда қўлланилган таҳлиллар асосида аниқланган энг муҳим рақобатдош устунлик ва камчиликларни батафсил баён қилинади.

Бу иккала индексдан ташқари инвестицион жозибадорликни таҳлил этиши мумкин бир қатор рейтинглар мавжуд бўлиб, улар глобал инновацион индекс, иқтисодий эркинлик индекси, инсон тараққиёти индекси ва бошқалардир. Аммо, бизнингча глобал рақобатбардошлик индекси ўзининг интеграл таҳлиллари асосида инвестицион муҳит жозибадорлигини акс эттира олади. Инвестицион жозибадорлик кўрсаткичларини таҳлилдан, бизга шу маълум бўлдики, мамлакатга инвестицияларни жалб қилишда йўллари ва омилларини аниқлаш зарур экан. Бундай ажратиш олиш шу билан бирга давлат, ҳудуд ва корхона фаолиятини баҳолаш ва инвестицион муҳитни англаш билан кечади. Бу ўринда Адам Смитнинг қуйидаги сўзларига эътибор қаратиш керак бўлади: “... давлатни юқори даражадаги фаровонликка кўтариш учун фақатгина тинчлик, енгил солиқлар ва бошқаришда чидамлик керак, бошқа ҳамма нарсалар ва буюмлар учун эса табиий ҳаракат лозим” (Жамолов, 2022).

## 1-жадвал

**Инвесторлар учун инвестицион муҳит ва мамлакатларнинг жозибадорлигини намоён этадиган рейтинглар (Майбурд, 1996)**

Кўрсаткичлари	Doing Business рейтингли	World Competitiveness Ranking (Глобал рақобатбардошлик индекси)
Рейтингни тузувчи ташкилотлар	Жаҳон банки	Бутунжаҳон иқтисодий форуми
Баҳоланадиган параметрлар	Макроиқтисодий сиёсат, инфратузилмаларнинг сифати, ишчи кучи малакаси, валюта курсларининг тебраниш туриши, инвесторларнинг фикри, коррупция хавфи ва даражаси	Мамлакатнинг иқтисодиёти, ҳукумат самарадорлиги, тадбиркорлик ва инфратузилмавий муҳит
Индикаторлари	Бизнесни бошлаш, рухсатнома олиш, электр таъминоти, мулкни рўйхатга олиш, кредит олиш, инвестор ҳуқуқлари ҳимояси, солиқ тўлаш, халқаро савдо, шартнома бажариш, бизнесни ёпиш	Иқтисодий самарадорлик, ҳукумат самарадорлиги, бизнес самарадорлиги, инфратузилма
Қулами	190 та давлат	64 та давлат
Юритилиш даври	2003–2020	1989 йилдан буён
Баҳолаш кўрсаткичлари	0–100	0–100
Рейтингда етакчи давлатлар	Янги Зеландия (1) – 86,8 балл; Сингапур (2) – 86,2 балл; Гонконг (3) – 85,3 балл (2020)	Дания (1) – 100 балл; Ирландия (2) – 99,71 балл; Швейцария (3) – 99,13 балл (2023)
Паст рейтингга эга давлатлар	Венесуэлла (188) – 30,2 балл; Эритрея (189) – 21,6 балл; Сомали (190) – 20,0 балл (2020)	Монголия (62) – 35,56 балл; Аргентина (63) – 34,03 балл; Венесуэлла (64) – 26,18 балл (2023)

Инвестицион муҳит таркибига инвестицион салоҳият ва инвестицион рискни киритиш мумкин. Инвестицион салоҳият - бу минтақа, шаҳар ёки умуман мамлакатнинг инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш қобилияти. Бу иқтисодий барқарорлик, ресурсларнинг мавжудлиги, инфратузилма, технология даражаси, ишчи кучи ва инвестиция муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа параметрлар каби турли омилларни ўз ичига олган мураккаб тушунчадир. Инвестицион салоҳиятни баҳолаш инвесторларга инвестициялар учун энг истиқболли йўналишларни аниқлашга ёрдам беради, шунингдек, маълум бир минтақа ёки мамлакатга инвестиция киритишнинг мумкин бўлган хавфлари ва афзалликларини баҳолашга ёрдам беради.

Инвестицион салоҳиятни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

- хавф даражаси бўйича: паст, ўрта ва юқори хавф.
- жозибаторлик даражаси бўйича: жуда жозибали, жозибали, нейтрал ва ёқимсиз.
- иқтисодиёт тармоқлари бўйича: саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, технология ва бошқалар.
- минтақалар ва мамлакатлар бўйича: жаҳон, минтақавий, миллий ва маҳаллий.
- инвестициялар тури бўйича: тўғридан-тўғри, портфел, венчур ва бошқалар.
- ривожланиш босқичлари бўйича: бошланғич, ривожланаётган, барқарор ва етук.

Инвестицион салоҳият инвестицион жозибаторликни юзага чиқаради, шу орқали бир қатор омиллар орқали амалга оширишга хизмат қилади (1-илова). Инвестицион риск - даромад олиши ва/ёки уни йўқотиш эҳтимоллиги билан боғлиқ таваккалчилик. Инвестицион рискларни гуруҳлаш ҳар хил турдаги рискларни таснифлаш ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш жараёнида амалга оширилади. Инвестицион рискларни гуруҳлашнинг бир неча асосий ёндашувлари мавжуд:

- риск турлари бўйича гуруҳлаш: молиявий риск, бозор rischi, операцион риск, кредит rischi ва бошқалар. Ушбу ёндашув бизга хавфларнинг асосий турларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради;

- хавф манбалари бўйича гуруҳлаш: тизимли хавф ва тизимсиз хавф. Тизимли хавф иқтисодиёт ва молиявий бозорларнинг умумий саломатлиги билан боғлиқ бўлса, тизимсиз хавф маълум бир компания ёки инвестицион лойиҳага хосдир;

- хавф даражаси бўйича гуруҳлаш: юқори хавф, ўртача хавф, паст хавф. Ушбу ёндашув инвестиция натижасида юзага келадиган йўқотишлар эҳтимоли ва ҳажмини баҳолашга асосланади;

- тармоқлар бўйича гуруҳлаш: инвестиция хавфи компаниянинг фаолият соҳасига ёки инвестиция лойиҳасига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Масалан, юқори технологияли саноатга инвестиция киритиш технологик муҳитни ўзгартириш ва инновациялар хавфини ошириши мумкин.

Инвестицион рискларни гуруҳлаш инвестиция рискини таҳлил қилиш ва бошқариш учун муҳим воситадир. Бу инвесторларга ўз инвестициялари хавфини аниқроқ баҳолаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Инвестицион рискга дуч келганда, инвестор бозор таҳлили, рискни баҳолаш, портфелни диверсификация қилиш, ишончли шерикларни танлаш ва лойиҳанинг бажарилишини назорат қилиш каби мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштириш чораларини кўради. Жумладан, минимал ресурсларни жалб этиш эвазига зарур ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишни ҳаракат қилади. Бунда инвестициялар бозорида манфаатлар уйғунлиги ҳисобига талаб ва таклиф қонунлари асосида шаклланади. Узоқ муддатли оралиқда инвестицион муҳитнинг барқарор бўлиши, ижтимоий-иқтисодий такрор ишлаб чиқариш фазаларида иштирок этадиган омиллар (ресурсларга) бўлган талабдан келиб чиқиб ўзгарувчан бўлиши лозим.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, дунё мамлакатларидаги ҳозирги инвестициявий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, инвестициявий салоҳият ва риск бўйича фикр ва

ёндашувларнинг сезиларли хилма-хиллиги мавжуд. Замонавий дунёда инвестициялар иқтисодий ривожланиш ва ўсишнинг энг муҳим элементларидан биридир. Улар капитални жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва инновацияларни рағбатлантиришга қодир. Бироқ, мамлакатимизда жорий инвестиция жараёнлари билан бир қаторда маълум муаммолар ва чекловлар мавжуд бўлиб, улар капитални жалб қилиш ва инвестициялардан самарали фойдаланишни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Асосий муаммолардан бири бу давлат ва бизнес соҳаларида коррупциянинг юқори даражасидир. Коррупция инвесторларни тушкунликка солади, харажатларни оширади, ҳукуматга ишончни пасайтиради ва умумий инвестиция муҳитини ёмонлаштиради. Шу ўринда Ўзбекистондаги мавжуд яна бир муаммо - қонунчиликнинг беқарорлиги ва инвестиция жараёнларига қонунчиликнинг аралашувидир. Солиқ қонунчилигига, миллийлаштириш тўғрисидаги қонунларга ва сертификатлаштириш қоидаларига киритилган ўзгартиришлар инвестиция лойиҳаларини сезиларли даражада мураккаблаштириши ёки ҳатто бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Бу ноаниқлик инвесторлар учун хавф туғдиради ва уларни мамлакатга инвестиция киритишдан қайтаради. Жумладан, 2024 йилнинг бошларида Ўзбекистонда автомобиль импорт қилинишига доир қарорларнинг қабул қилиниши, бизнинг фикримизча, келгусида хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қарорларни қабул қилишида салбий омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда жорий инвестицион жараёнлар билан бирга инфратузилма етарли даражада ривожланмаган. Замонавий коммуникациялар, йўллар, таълим тизими, арзон уй-жойлар ва бошқа инфратузилма объектларининг йўқлиги тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятни амалга оширишни қийинлаштиради. Бу қўшимча харажатларни келтириб чиқармоқда ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш имкониятларини чекламоқда. Хорижий инвестор Ўзбекистонга келиб яшаш кўчиб келар экан ижтимоий инфратузилма, унинг оиласи ва фарзандларининг камоли учун мавжуд шароитлар ҳам аҳамиятга эга.

Мамлакатдаги жорий инвестиция жараёнларининг яна бир муаммоси - қулай молиявий воситалар ва молиялаштириш механизмларининг йўқлигидир. Банк секторининг етарли ривожланмаганлиги, кредитларнинг етарли даражада таъминланмагани, юқори фоиз ставкалари ва молиялаштириш имкониятларининг чекланганлиги инвестиция ресурсларидан фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Бу кўплаб инвесторларнинг бошқа мамлакатларда имкониятлар излашни афзал кўришининг асосий сабабларидан бирига айланмоқда. Мамлакатда давом этаётган инвестицион жараёнлар билан бир қаторда малакали кадрлар етишмаслиги ҳам кузатилмоқда. Юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, ишсизликнинг кучайиши ва талабга жавоб берадиган малакаларнинг йўқлиги инвестиция лойиҳалари ва инновацияларни амалга оширишда тўсиқларни келтириб чиқармоқда. Хорижий мутахассисларни жалб қилиш зарурати ва виза чекловлари янада мураккаблашмоқда.

Бизнингча, “инвестицион риск гуруҳларининг таъсир кўрсатиш вазнидан келиб чиқиб, эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиш орқали инвестицион жозибadorлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Тармоқ бўйича инвестицион рискни ҳисоблаётганда сиёсий, ижтимоий, инфратузилмавий, ҳуқуқий ва криминал омилларни чиқариб ташлаш лозим”[9] Мамлакатнинг инвесторлар учун жозибadorлигини белгиловчи асосий омиллардан яна бири сиёсий барқарорликдир. Барқарор демократия, адолатли қонун ва тартиб, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мустақил суд тизимидан фойдаланиш сиёсий барқарорликнинг асосий таркибий қисмидир.

Иқтисодий ўсиш инвесторларни жалб қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Ўсиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда инвестициялар ва янги корхоналар яратиш имкониятлари одатда қулайроқдир. Бундан ташқари, барқарор ва прогноз қилинадиган

иқтисодий ўсиш одатда мамлакатнинг етуклиги ва юқори ривожланиш даражасини акс эттиради, бу эса кўпроқ инвесторларни жалб қилиши мумкин. Очiq бозорлар ва эркин савдо ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради.

Инвесторлар учун мамлакатнинг жозибадорлигини белгиловчи яна бир муҳим омил инфратузилманинг мавжудлиги ҳисобланади. Инвесторлар ўз бизнес лойиҳалари самарадорлиги ва муваффақиятини таъминлаш учун мамлакатда транспорт, коммуникация, энергетика ва логистика тизимлари ривожланган бўлишини кутади. Ушбу талабларга жавоб бермаслик потенциал инвесторларни инфратузилмаси аллақачон ривожланган бошқа мамлакатларни танлашига олиб келиши мумкин. Инвестицияларни жалб қилишда ресурсларнинг мавжудлиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Нефт, газ, рудалар ва бошқалар каби бой табиий ресурсларга эга мамлакатлар ушбу ресурсларни қазиб олиш ва ишлатишдан манфаатдор бўлади. Янги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва очиш тартиблари ҳам инвесторларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Оддий, самарали ва шаффоф жараёнлар, кириш учун паст тўсиқлар, соддалаштирилган қоидалар инвесторлар учун муҳимдир.

Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий ҳудудларини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинганлиги муҳимдир. Ушбу ҳудудларни ташкил қилиш орқали қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган:

- “ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

- республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экология жиҳатидан хавфсиз кимё, фармацевтика, озик-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустақам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий ҳудудлар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;


- ЭИХ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш”.

Хорижий тадбиркорлар инвестицияни амалга ошириш жараёнида, биринчи навбатда, капитални мамлакат миқёсида эркин ҳаракат қила олиш шарт-шароити, валюта курсининг барқарорлиги, инфляция жараёнининг динамикаси, кредит нархиға эътибор қаратади. Иккинчидан, “мамлакатнинг сиёсий омиллари, яъни инвесторларга яратилган шароитлар, маҳаллий бозорнинг ҳажми, протекционистик ҳимояси, инвесторлар учун имтиёз ва тўсиқлар, жумладан, солиқ имтиёзларига эътибор



қаратишади. Инвестиция муҳитининг яхши-ёмонлигини эркин иқтисодий ҳудудга жалб қилинган инвестициянинг миқдори ва сифати билан ҳам ўлчаш мумкин” (Хамроев, 2008).

Жаҳонда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашда хизмат қиладиган инновацион инструментлар билан бир қаторда хорижий сифати эътиборга олинади. Жумладан, хорижий брендларни жалб этиш инвестицион сифат даражасини таъминлайди. Шунга кўра, нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қийматни ошириш муҳим аҳамият касб этади (1-расм).



**1-расм. Нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қийматни ошириш**

*Манба:* муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Таниқли хорижий брендлар билан ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларига қўшилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистонга қуйидаги имкониятларни беради:

- импорт ўрнини босиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш. Ушбу чора-тадбирлар импорт қилинадиган товарлар ўрнини босадиган маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун шароит яратиш билан бир қаторда давлат ва бизнес доирасида хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистонга киритиш имкониятини беради. Бу солиқ имтиёзлари, субсидиялар, янги корхоналар қуриш учун ер ва инфратузилма билан таъминлашни ўз ичига олиши мумкин;

- саноат парклари ва махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш. Бу лойиҳалар тайёр инфратузилма ва бизнес учун қулайликларга эга саноат ҳудудларини яратишни назарда тутаяди. Улар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ёки Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этишдан манфаатдор хорижий компанияларни жалб қилишлари мумкин;

- кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-

қувватлаш бўйича солиқ имтиёзлари, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, кредитлаш дастурлари каби чора-тадбирлар хорижий брендлар билан рақобатлаша оладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланишини рағбатлантириши мумкин;

- электрон тижорат ва логистикани ривожлантириш. Логистика тармоқлари ва товарларни етказиб бериш инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, электрон тижорат бозорини ривожлантириш маҳаллий ва хорижий брендлар савдосининг ошишига ёрдам бериши мумкин;

- мамлакатда технологик ривожланишни рағбатлантириш. Ишлаб чиқарувчиларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, технопарклар ва муҳандислик марказларини яратиш маҳаллий брендларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон брендларини ташқи бозорларда илгари суришда давлат ва хусусий компаниялар ўзбек брендларини хорижда оммалаштириш учун кўرғазмалар, ярмаркалар, реклама кампаниялари ва ҳомийлик каби турли реклама воситаларидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу жараёнда мамлакатимизда фаолият юритаётган Савдо-саноат палатаси ҳал этувчи ўрин эгаллайди.

Замонавий Ўзбекистонда инвестиция жараёнлари марказдан ҳудудларга тобора кўпроқ ўтказилмоқда, сабаби у ерда жозибador саноат фондлари тўпланган. Шунинг таъкидлаш керакки, халқаро бизнеснинг Ўзбекистонга муносабати ҳамда унинг вакилларининг мамлакатдаги инвестицион фаолияти кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимиятларнинг иш юритишига боғлиқ. Шунинг таъкидлаш керакки, минтақаларнинг узоқ муддатли истиқболда ижобий ривожланиши иқтисодиёт тармоқларидаги мутаносибликка бевосита боғлиқ. Бунинг учун ҳудудга капитал эгаларини фаол жалб қилишни ўз ичига олган бюджетни молиялаштириш ва динамик инвестиция жараёнларининг комбинацияси зарур.

Брендларни иқтисодиётга жалб қилиш турли йўللار билан амалга оширилиши мумкин. Жумладан:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи ахборот-коммуникацион соҳа вакиллари билан ҳамкорлик қилиш: Брендлар франшиза сифатида кириши, маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиши ва ахборот-коммуникация фойдаланиш имкониятини беради. Бу иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратишга ёрдам беради;

- инфратузилмани ривожлантириш ва ҳаёт сифатига инвестиция киритиш: Баъзи брендлар йўллар, мактаблар, касалхоналар, боғлар ва спорт иншоотлари каби инфратузилмани ривожлантиришга инвестиция киритиши мумкин. Бу янги аҳолини жалб қилиши ва минтақадаги ҳаёт сифатини яхшилаши мумкин;

- қўшма корхоналар ёки стратегик шерикликларни шакллантириш: Брендлар инновацион маҳсулотлар, хизматлар ёки бозорларни ривожлантириши учун қўшма корхоналар ёки стратегик шериклик тузиши муҳимдир;

- хайрия ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиш: Брендлар маҳаллий ҳамжамиятларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган хайрия тадбирлари ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиши мумкин;

- тадбирлар ва тадбирларни ташкил қилиш: Брендлар сайёҳларни жалб қиладиган ва иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган фестиваллар, конференциялар, кўрғазмалар ва спорт мусобақалари каби тадбирлар ва тадбирларни ташкил қилиши мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимизга таниқли хорижий брендларни жалб қилиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш бўйича тизимлар ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2024-2026 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш ва хорижий брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш

бўйча чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирларида:

Хитойдан “Li-Ning”, “Anta Sports Products”, “Peak Sport Products” ва “Xtep” компаниялари билан бренд маҳсулотларни “аутсорсинг” ва “франчайзинг” асосида ишлаб чиқариш;

Италия, Португалия ва Испания давлатларида фаолият юритаётган “Apic”, “Apiscaps”, “Cotance”, “Inpelsa” ва “Acexpiel” каби йирик ТМК билан музокаралар ўтказиб Ўзбекистондан чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни экспортини амалга ошириш бўйича ишларни йўлга қўйиш;

Чарм саноатида “Adidas” (Германия), “Berkemann” (Германия), “Kari” (Россия), “Geox” (Италия) ва бошқа йирик пойабзал брендлари билан музокаралар ўтказиш ва соҳа корхоналарига буюртмалар қабул қилиш зарурати мавжуд” (Қарор, 2023).

Бренд ўз минтақасининг инвестиция салоҳиятига таъсир қилади, зарур ресурсларни йўналтиради, инвестицияларни жалб қилади, харажатларни камайтирадиган ва инвестиция жозибadorлигини оширадиган синергетик эффект яратади, шунингдек, маълум бир ҳудудни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида таниқли брендларни жалб этиш ҳисобига инвестиция шароитларини тартибли муносабатлар тизимига келтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини талаб даражасига келтириш муҳимдир.

### Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг инвестицион жозибadorлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар тахлили қилиш масалаларига бағишланган тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилган:

1. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг инвестицион жозибadorлиги бизга шуни берадики, чет эл сармоялари ҳар қандай иқтисодиёт учун муҳим, унинг иқтисодий ўсиш ва тараққиётга таъсир этувчи омилларини таъминлаб беради. Мамлакатда инвестиция киритишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хавфларнинг йўқлиги, у бўйича меъёрий-ҳуқуқий негизнинг барқарорлиги инвестиция муҳитини ташкил этади. Инвесторлар инвестициявий муҳитни баҳолашда, авваламбор, унинг кучли томонлари, ижобий омиллари, шарт-шароитлар, камчиликлар, рисклар ва таҳдидларга эътибор қаратилади.

2. Инвестиция категориясининг назарий асослари ўрганиш бевосита инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий жиҳатларини етарли равишда тадқиқ этиш, ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишни тақозо қилади. Бизнингча, инвестиция – бу макроиқтисодиётда юқори самарадорликка эга капитал бўлиб, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалини оширадиган моддий ёки номоддий жамғармалардир.

Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ ва у мамлакат тараққиётини муҳим воситасидир. Бу инвесторлар учун маълум бир ҳудудга инвестиция киритиш билан боғлиқ потенциал имкониятлар ва хавфларни баҳолаш, шунингдек, бизнесни ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларини аниқлаш имконини беради. инвестицияларни жалб қилиш тартиб-таомилларини содаллаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратишда ёрдам беради.

**Адабиётлар / Литература/References:**

*Doing Business.* (n.d.). Retrieved from <http://www.doingbusiness.org>

*Fund for Peace.* (n.d.). Retrieved from <http://ffp.statesindex.org>

*WIPO.* (n.d.). Retrieved from <http://wipo.org>

*World Economic Forum.* (n.d.). Retrieved from <http://weforum.org>

Жамолов, Ж. (2022). Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишда рискларни баҳолаш. Молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент.

Кэмбелл, Р., Макконнелл, К.Р., Брю, С.Л. (1993). Экономика: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Таллин, с. 399–40.

Майбурд, Е.М. (1996). Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. Москва.

Михайлова, Е.В. (2007). Финансовые рынки и их формирование. Под ред. Л.Н. Красавиной. Москва, с. 357.

Розенберг, Д.М. (2007). Инвестиции. Москва: Инфра, с. 173.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2019). 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида Олий Мажлисига Мурожаатнома.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2023). ПҚ-331-сонли Қарор “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 11 октябрь.

Ҳамроев, Ҳ.Р. (2008). Худудлар сиёсати: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Тошкент: Фан нашриёти.